

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимида тендер
савдолари ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши (кейинги ўринларда ЎзМТДП МК деб юритилади)нинг Ижроия қўмитаси девони ва партиянинг ҳудудий кенгашларида товарларни харид қилиш ва ишлар (хизматлар)нинг барча турлари бажарилиши учун тендер савдолари (кейинги ўринларда «тендерлар» деб аталади) ўтказишни тартибга солади.

2. Низом моддий-товар бойликларнинг барча турларини харид қилиш ва ишлар (хизматлар)нинг бажарилиши юзасидан тендерлар ўтказишни ташкил этиш механизмини белгилаб беради.

3. Партия эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товар-материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарнинг ҳамда бажариладиган ишлар сифатини ва ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тендерлар ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

4. Тендерлар унинг қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

5. Партия кенгашлари томонидан очиқ тендерлар ўтказилади ва уларда мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча юридик ва жисмоний (ЯТТ) шахслар қатнашиши мумкин бўлади.

6. Ушбу Низом талаблари ЎзМТДП МК ИҚ девонида **8000 000 (саккиз миллион)** сўмдан ортиқ (битта шартнома буйича) товарлар харид қилишда, ишлар (хизматлар)ни бажаришда мажбурий ҳисобланади.

7. Ҳудудий партия ташкилотлари Кенгашларида 2 400 000 (икки миллион тўрт юз минг) сўмдан ортиқ (битта шартнома буйича) товарлар харид қилишда, ишлар (хизматлар)ни бажаришда мажбурий ҳисобланади.

8. ЎзМТДП МК ИҚ девонида **8 000 000 (саккиз миллион)** сўмгача бўлган товарларни харид қилиш, ишларни бажартириш тендерлар ўтказилмасдан амалга оширилади.

9. Ҳудудий партия ташкилотлари Кенгашларида 2 400 000 (икки миллион тўрт юз минг) сўмгача бўлган товарларни харид қилиш, ишларни бажартириш тендерлар ўтказилмасдан амалга оширилади.

II. Асосий тушунчалар

Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

1. **Тендер савдолари** – товар етказиб берувчиларни, ишлар ва хизматларни бажарувчиларни танлаб олиш.

2. **Буюртмачи** – ЎзМТДПнинг Марказий ва ҳудудий кенгашлари.

3. **Товар етказиб берувчи** – тендерларда қатнашиш учун тижорат таклифини берган, давлат органлари томонидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтган юридик ва жисмоний (ЯТТ) шахслар.

4. **Тендер ҳужжатлари** – тендер савдосида қатнашиш учун хат ёки тижорат таклифи, тендер савдосининг предмети ва шартлари, буюртмачининг йўриқномаси ва тендер ғолибига товар етказиб бериш, ишлар ва хизматлар бажаришга оид шартлари тўғрисидаги таклифларни ўз ичига олган ҳужжатлар йиғиндиси.

5. **Тижорат таклифи** – тендер қатнашчиси томонидан товар етказиб бериш, ишлар ва хизматлар бажариш тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар.

6. **Тендер комиссияси** – партиянинг Марказий кенгаши ходимлари, депутатлари, ва партиёга алоқадор шахслардан иборат, партия Марказий Кенгаши раисининг буйруғи билан тасдиқланган тендер ўтказишни ташкил этувчи ва тендер ғолибини аниқловчи коллегиял орган.

III. Тендер комиссияси ва унинг иштирокчилари

1. Тендерларни буюртмачи томонидан тузилган тендер комиссияси ўтказди. Тендер комиссиясининг аъзолари сони тоқ бўлиши лозим.

2. Тендерларни ўтказишда буюртмачи тендерларни ўтказиш, уларнинг ўтказилиш санаси тўғрисида қарор қабул қилади, сотиб олинadиган товарларнинг ва бажариладиган ишларнинг оптимал баҳосидаги тижорат таклифларини кўриб чиқади.

3. Буюртмачи тендер ҳужжатларини тайёрлаш шартларини белгилайди, тендерларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади, тендер ғолиби билан шартнома тузади.

IV. Тендер тўғрисидаги эълонларни тайёрлаш

1. Тендер комиссияси тендер ўтказилишидан камида **ўттиз кун** олдин тендер тўғрисидаги ахборотни ОАВда эълон қилади, соҳада етакчилик қилаётган тендер қатнашчиларига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига почта, факс орқали ёки бошқача шаклда расмий таклифномалар юборади.

2. Ўтказиладиган тендер тўғрисидаги ахборотда қуйидаги маълумотлар бўлади:

- буюртмачининг номи; тендернинг мавзуси;
- товарни етказиб бериш шартлари ва мўлжалланган етказиб беришни бажариш муддатлари;
- сотиб олинadиган товарнинг, бажариладиган ишнинг сифати;
- тендер ҳужжатларини олиши мумкин бўлган тендер комиссиясининг манзили, боғланиш телефони ва факси;
- тендер комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг сўнгги муддати;
- товар етказиб берувчиларининг, шу жумладан кичик бизнес корхоналарининг тендерда қатнашиши мумкинлигига доир кўрсатмалар.

V. Тендер қатнашчилари

1. Тендерда иштирок этишни хоҳловчи даъвогарларнинг сони чекланмайди, энг кам сони эса уч иштирокчидан кам бўлмаслиги керак. Башарти даъвогар фақат битта бўлса, тендерни ёпиш муддати тугайдиган вақтгача бирорта ҳам тендер таклифи тушмаса, эълон қилинган тендер соҳасида етакчилик қилаётган ташкилотларга, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига почта, факс орқали ёки бошқача шаклда расмий хатлар юборади.

VI. Тендерда қатнашиш учун даъвогарларни танлаб олиш

1. Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендерда иштирок этаётган ташкилотларнинг тижорат таклифлари ўрганилади.

2. Тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмаларнинг тендерларда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

3. Тендер комиссияси танлаб олинган қатнашчилар рўйхатини.

4. Тендерда қатнашиш ҳуқуқи бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас.

VII. Тендер ўтказиш тартиби

1. Ўтказиладиган тендер тўғрисида ОАВда эълон берилгач ёки бошқа шаклда тендер қатнашчиларига хабар қилинган кун тендер очилган сана ҳисобланади.

2. Тендер комиссияси тендер иштирокчилари учун тайёрлаш муддатини белгилайди ва тасдиқлайди. Қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолса, тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

3 Тендер таклифлари факс, электрон почта ва хат орқали қабул қилинади. Хатда тижорат таклифи, эълон қилинган товарнинг, бажариладиган ишларнинг номи ва таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана бўлади.

4. Барча ҳужжатлар рўйхатга олиш дафтарига топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахснинг имзоси билан қабул қилиб олинган сана ва вақт ёзиб қўйилган ҳолда қабул қилинади. Рўйхатга олиш дафтари ип ўтказиб боғланган, тартиб рақами қўйилган ва буюртмачининг муҳри билан тасдиқланади.

5. Тижорат таклифларини кўриб чиқиш тартиби очиқлик меъёрига риоя қилинган ҳолда тендер комиссияси томонидан белгиланади. Тендер қатнашчиси тендер буюртманомалари қабул қилиб олинadиган охириги санагача кечи билан беш кун муддатда ўз таклифини қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

6. Тендер комиссиясининг мажлислари ва қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

7. Тендер комиссияси тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ва энг мақбул нархлари, етказиб бериш шартлари, тўлов ва бошқа мезонлар бўйича ғолибларни аниқлайди.

VIII. Тендер таклифларини баҳолаш тартиби

1. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат давомида ўтказилади. Баҳолаш чоғида тендер комиссияси тушунтиришлар бериш, қўшимча маълумотлар ва тасдиқлашлар олиш учун даъвогарларни чақириш ҳуқуқига эга, эксперт ва маслаҳат берувчи ташкилотларнинг вакиллари жалб қилиши мумкин.

2. Баённома тендер комиссиясининг қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланади ва тендер комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланади.

3. Агар тендер ғолиби шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги бошқа қатнашчиларга берилади.

4. Башарти муқаддам тендер бўлиб ўтмаган, ёхуд салбий натижа билан тугаган бўлса, тендер қайтадан ўтказилади.

6. Тендерни ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Буюртмачи тендер ғолибига шартнома тузиш бўйича оғзаки ёки ёзма равишда хабар беради.

IX. Яқунловчи қоидалар

1. Тендер комиссияси тендерларни Ушбу низомга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва шартномаларни тузишда ўрнатилган тартибга риоя этмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тарзда жавоб беради.

2. Шартномани миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича бажармаган тендер ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда жавоб беради.